

**РЕСПУБЛИКА МАЊИВАЙТ ВА МАЊИФАТ МАРКАЗИ БУХОРО
ВИЛОЯТ БЎЛИМИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ ВИЛОЯТ ВАКИЛЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ**

БУХОРО ВИЛОЯТ МАДАНИЯТ БОШҚАРМАСИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ БУХОРО

ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

БУХОРО ФИЛИАЛИ

*2020 йил – “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш
йили”*

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЊИФАТ:

ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

*“Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган
мутафаккирлар” шиори остида буюк
ажододларимиз, жумладан, XX аср жадид адабиёти
намояндалари ҳаёти, ижоди, тараққийпарвар
гоялари тарзиботига бағишиланган вилоят*

миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари

2020 йил 15 сентябрь

Бухоро - 2020

**БУХОРО МАТБУОТИ 100 ЁШДА: 1920 ЙИЛ 9 СЕНТЯБРЬ –
“БУХОРО АХБОРИ” ГАЗЕТАСИННИГ 1-СОНИ ЧОП
ЭТИЛГАН КУН**

Раҳмонов Камол Жамолович

Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти

1920 йил август охирлари ва сентябр ойи бошларида Бухоро амирилиги ағдарилганидан кейин унинг ўрнида тузилган Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукуматининг режа, дастур ва вазифаларини собиқ амирлик ҳудудида яшовчи аҳолига етказиш мақсадида маҳаллий матбуотга асос солиш, яъни маҳсус бир газета чоп этириш масаласи кун тартибига қўйилади. БХСР ҳукумати аъзолари аксарияти Бухоро жадидчилик ҳаракати намояндлари бўлиб, улар орасида матбаачилик мактабини бир қадар ўтаган (1912-1913 йилларда чоп этилган “Бухоройи Шариф” ва “Турон” газеталари мисолида), муҳожирликда бўлса-да, газеталар чоп этишга мутасаддилик қилган (1918-1919 йиллардаги “Кутилиш”, “Учқун” газеталари, “Тонг” журнали мисолида), журналистик малакага эга бўлган вакиллар ҳам бор эди[4, 24-б]. Янги ҳукумат сиёсатини кенг жамоатчиликка тарғиб қилишдек вазифани бажаришда матбуотнинг роли бекиёс эканлигини англаган масъул лавозимлардаги раҳбарлар газета нашр этиш ишига муҳим масалалардан бири сифатида қарадилар. Шунинг учун **1920 йил 9 сентябрда**, яъни амирлик тузуми ағдарилганидан роппа-роса бир ҳафта ўтиб, БХСРнинг маркази Эски Бухоро (ҳозирги Бухоро) шаҳрида ўзбек адабий тилида, ислоҳ килинган араб имлосида

Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган мутафаккирлар

62

“Бухоро ахбори” (اخباری بخارا) номи билан газета чоп этилди[3, 44-б].

“Бухоро ахбори”нинг 1920 йил 9 сентябрда босмахонадан чиқсан 1-сонида “Мақсад ва маслак” номли муҳарририят томонидан босилган йирик мақолада: “Газетанинг мақсади бухороликларга инқилобимизнинг ва унинг амалларини, сабабларини, унинг қоида ва фазилатларини бир суратда тушунтирмақдан ибораттур... Шу баробар келажак ишларининг саодат ва иқболи йўлинда рағбат этиб, Бухоронинг ободлиғиға хизмат этмак”[1] каби фикрлар мавжуд. Тўрт сахифада чоп этилган “Бухоро ахбори” газетасининг дастлабки сони билан батафсил танишилганда, унинг 1-сахифаси юқори қисмида نداشله ته وه بخارالیک ”

"بۇلسون ك موباره نىنگىز تە وە ئازاد!" яъни: "Бухоролик ватандошлар! Озод Ватанингиз муборак бўлсун!" шиори қайд қилинган. Кейинги барча сонларига совет даври матбуоти учун анъана бўлиб қолган "شىنگىز بىرلە رى يوقسو اللہ دونيا بوتون" яъни: "Бутун дунё йўқуллари бирлашингиз!" шиори асос қилиб олинган.

"Бухоро ахбори" газетаси шакли билан танишилар экан, газета катта форматда 2 саҳифада, ўрта форматда 4 саҳифада, юпқа ва сифати юқори даражада бўлмаган сарғиш рангли босмахона қофозида чоп этилган. Газета биринчи сонининг 1-саҳифасида ҳукумат раҳбарларининг салмоқли мақолалари ва турли-туман маълумотларга эга бўлган муҳарририят томонидан тайёрланган мақолалар босилган. Юқоридаги фикр далили сифатида айтиш лозимки, газетанинг илк сонида БХСР Халқ Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаевнинг "Кунтуғди" "كونتوغدى" номли йирик мақоласи эълон қилинган. Газетанинг 1-саҳифаси тенг ярмини эгаллаган мазкур мақолада Бухорода 1920 йил сентябр ойи бошларида юз берган кескин сиёсий жараёнлар ўз даври талабларидан келиб чиққан ҳолда баён қилинган[6].

"Бухоро ахбори" газетасининг 2-саҳифасида муҳарририят аъзолари ва айrim мутасадди ҳукумат раҳбарларининг ички муаммоларга оид йирик мақолалари ҳамда БХСР хўжалик ҳаётининг турли тармоқларига тегишли хабарлар босилган.

Газетанинг 3-саҳифаси БХСР атрофидаги мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ҳаёти, Шарқ ва Фарбнинг турли давлатларида кечеётган воқеалар тафсилотига йўналтирилган. Юқоридаги турли-туман чет эл матбуот органларидан кўчирилган *Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган мутафаккирлар*

63

мақолалар "Биздан ташкарида", "Чет элларда", "Шарқда", "Шўролар иттифоқида", "Туркистонда" каби руқнлар остида босилган. Кейинги сонларда бу руқнлар доираси янада кенгайиб борган.

"Бухоро ахбори"нинг тўртинчи, яъни сўнгги саҳифаси БХСР ҳукуматининг буйруқ ва қарорлари, ҳукумат муассасалари ва нозирликларнинг билдиришномаларидан иборат бўлиб, улар "Ҳукумат тадбирлари" ва "Расмий қисм" руқнлари остида берилган. "Бухоро ахбори" газетаси Бутун Бухоро инқилобий қўмитаси (ревком), кейинчалик (1921 йилдан) БХСР Марказий Ижроия қўмитаси (МИК) органи сифатида чоп этилган. Мазкур газета Бухорода ўзидан олдинги матбуот органларидан фарқли равища ҳукумат томонидан ажратилган маҳсус маблағ ҳисобидан расман

(ҳозирги “Бухоронома” газетаси каби) 1920 йил 9 сентябрда чоп этилган 1-сонидан бошлаб 2 йил давомида, яъни 1922 йил 21 сентябрга қадар ҳафтада бир марта 1000-1500 нусхада босмахонадан чиқарилиб турилган1.

“Бухоро ахбори” газетасининг 1-сони 4-саҳифаси охиридаги маълумотдан аниқ бўладики, газетанинг дастлабки мухаррири маърифатпарвар, матбаачилик соҳасида муайян тажриба ортирган Маҳмуд Саид Аҳорий² ҳисобланади.

Шу ўринда “Бухоро ахбори” газетаси биринчи мухаррири масаласида муаммо мавжуд. Бир қатор тарихий тадқиқотларда ва матбаачилик ўтмишига бағишлиланган публицистик мақолаларда “Бухоро ахбори”нинг биринчи мухаррири машҳур адиб, БХСР ҳукумати нозирларидан бири Абдурауф Фитрат (1886-1938) бўлган мазмунидаги хабар ва маълумотлар учрайди[2, 9-б]. Газета 1-

¹ Газета 1923 йил 16 октябрдан “Озод Бухоро”номи билан чиқа бошлаган. Маориф нозирлиги органига айлантирилгач, 2000-2500 нусхага кўпайган. Бу газета 1930 йил октябр ойигача чоп этиб турилган. Мазкур матбуот органлари ҳозирги “Бухоронома” газетасининг ўтмишдоши саналади.

² Маҳмуд Саид Аҳорий -1895 йилда Арабистонда туғилган. 1920 йилнинг кузида Бухорога келади ва Ёш бухороликлар партиясига аъзо бўлиб киради. Шу вақтдан бошлаб, БХСРнинг ягона матбуот органи “Бухоро ахбори” газетасида мухаррир вазифасида хизмат қилади. 1921 йил июнидан БХСРнинг Озарбайжондаги консули бўлиб ишлади. Бухорога кайтгач, 1923-1924 йиллар давомида “Озод Бухоро” газетасида мухаррир ўринбосари ва давлат нашриёти раҳбари лавозимларида фаолият юритди. 1925 йилдан Саид Аҳорий Самарқандда молия-иктисод техникумидаги ўқитувчилик қилган. 1930 йил 12 ноябрида айнан шу ерда хибсга олинган. 1931 йил 23 майда Москва шаҳрида РСФСР жиноят мажмуасининг 58-моддаси 4-банди билан отувга ҳукм этилган. Ўлимидан сўнг оқланган.

Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган мутафаккирлар

64

сонининг асл нусхаси юқоридаги фикрнинг асоссиз эканлигини манбавий исботидир.

Яна бир муаммо- газетада қайси тилда мақолалар чоп этилганлигидир. БХСРда аҳолининг ўзбеклардан кейин кўп сонлилиги жиҳатидан тожиклар иккинчи ўринда турган, шу сабабли “Бухоро ахбори”нинг 2-сонидан бошлаб газетанинг айrim саҳифаларида тожик тилида ҳам хабар ва мақолалар эълон қилинган. Бироқ газетанинг олтинчи сонига келиб, тожик тилида материаллар берилиши тўхтаб қолди. С.Аҳорийнинг мақоласида ёзилишича, бунга сабаб тожик тили мухарририяти аъзоларининг тез-тез ўзгариб туриши, масъулиятсизлиги, малакали журналистларнинг этишмаслиги эди [5].

“Бухоро ахбори” газетасининг бугунги кундаги сақланиш ҳолати билан боғлиқ бир қатор муаммолар, уни келажак авлодга етказиш

бўйича мухим вазифалар мавжудлиги юзасидан фикр-мулоҳазаларни мазкур мақола орқали қайд этиш зарур деб ҳисобладим.

Бор-йўғи 49 та сони чоп этилган “Турон” газетасидан сўнг, ўзбек тилида муентазам ўқувчиларга етказилган газета “Бухоро ахбори” бўлган. 1500-2000 нусхада чоп этилган газетанинг тахламлари Бухоро вилояти марказий кутубхонасидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзРМДА)да сақланганлиги, улар ҳам тўлиқ эмаслигини ҳисобга олсак, маънавий хазинамиз ҳолати аянчли эканлигидан ташвишга тушамиз.

Нашриётчилик ишларига етарли маблағ ажратилмаганлиги туфайли БХСР ҳукуматининг дастлабки йилларида (1920-1921) бу соҳада бир қатор муаммолар кўзга ташланган, анъанавий қоғозсозликнинг издан чиққанлиги, молиявий аҳвол оғирлиги туфайли газеталар сифати анча паст қоғозга чоп этилган. Бу эса уларнинг узок сақланиш ҳолатига салбий таъсир кўрсатган. Газеталар XX аср дастлабки ўн йилликлар тарихидан маълумот берувчи манба бўлганлиги туфайли турли йилларда газетанинг мухим материалларидан фойдаланган тадқиқотчилар кўпгина саҳифаларга ҳар хил белгилар ва чизиқлар қўйиб, ҳамма вақт ҳам газеталарга эҳтиёткорона муносабатда бўлишмаган. Масалан, 1920-1921 йиллардаги юзлаб газета саҳифаларида, айниқса, маориф

Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган мутафаккирлар

65

ва маданият соҳаларига бағишлиланган мақола ва хабарлар қизил рангли қалам билан бўялган.

Газеталарнинг кўп нусхада эмас, фақат бир нусхада эканлиги туфайли бир қатор сонлар йиртиб олиб кетилганлиги ёхуд бошқа сабабларга кўра айрим сонлари мутлақо мавжуд эмаслиги янада аянчлидир. Газеталарнинг даврий кетма-кетлик асосида тахламларини ўрганганимизда, 1920 йил чоп этилган 15 та сонидан 4-сон, 1921 йил давомида чоп этилган 45 та сондан 16-, 17-, 59-сонлар, 1922 йилги 61-122- сонлари орасидан эса 61-63-, 68-, 74-сонлари умуман йўқ.

Шунингдек, тахламларда мавжуд бўлган газета саҳифаларининг айримлари бутун ҳолатда эмас, оқибатда тарихий тадқиқотлар учун мухим манбавий материал бўла оладиган мақолаларнинг аксариятини охиригача ўқиб чиқиш имконияти чекланган. Масалан, Ф.Хўжаевнинг “Кунтуғди” (1-сон, 1920 йил 9 сентябр), А. Муҳиддиновнинг “Фуқаро ҳукумати” (8-сон, 1920 йил 21 ноябр),

Маҳмуд Саид Ахорийнинг “Идораларнинг тузатилиши” (38-сон, 1921йил 28 май), Ҷўлпоннинг “Театр-томуша” (58-сон, 1921 йил 8 декабр) ва ҳоказо мақолаларни тўлиқ ўқиб, таҳлил қилишнинг иложи йўқ. Бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин.

Ортда қолган йиллар давомида турли омиллар туфайли газета тахламларининг бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши, қолаверса, ҳозирги кутубхона подвалининг архив ҳужжатларини сақлаш талабларига тўла жавоб бермаётганлиги ҳам улар сифатига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Юқорида қайд этилган бир қатор муаммоларни ечими сифатида газеталарни келажак авлодга тарихий ва маънавий мерос учун сақлаб қолиш мақсадида қўйидагича таклифларни беришни лозим топдик.

1. Бугунги замонавий кимё-технология ютуқларидан фойдаланиб, газеталарни таъмирлаш, фотоловҳаларини тозалатиш зарур.
2. Бухоро давлат меъморий-бадиий музей қўриқхонаси, ЎзРМДАда ва Ф.Хўжаев уй-музейида ҳам газеталарнинг айrim сонлари сақланмоқда. Ўшалардан нусхалар олиб, тахламларда мавжуд бўлмаган сонлар ўрнини тўлдириш имкониятларини қўриш керак.

Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган мутафаккирлар

⁶⁶

3. Кейинги йилларда Бухоро вилояти марказий кутубхонасининг техник ходимлари томонидан хайрли иш амалга оширилиб, “Бухоро ахбори” газетасининг 137 та сони ва “Озод Бухоро” газетасининг 1926-1928 йиллари тахламлари электрон варианти яратилган. Бу иш давом эттирилса, шунингдек, “Озод Бухоро” газетасининг 1923 йил тахламининг ҳам электрон версияга айлантирилса, 1924 йил тахламлари ЎзРМДАдан олиб келинса тадқиқотчилар учун қулайлик туғдирап эди.

Бу эса жиддий ва айни пайтда ўта масъулиятни талаб қиласиган вазифалар ҳисобланади. Мазкур қайд этилган талаб ва таклифлар ўз вақтида бажарилса, келажак авлод ҳам муҳим тарихий манбадан баҳраманд бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мақсад ва маслак //Бухоро ахбори. 1-сон. 1920 йил 9 сентябр.
2. Наимов Н. Бухоро жадидлари (тарихий очерклар). -Т.: Фан, 2000.
3. Раҳмонов К. “Бухоро ахбори” газетаси - Бухоро Республикаси матбуот органи //Жамият ва бошқарув. -Т., 2004. № 2. -Б.44-46.

4. Раҳмонов К., Ҳайитов Ж. Бухорда маҳаллий матбуотнинг вужудга келиши тарихидан (XX асрнинг биринчи чораги) // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. -Бухоро. 2008. № 3. -Б.24-28.
- 5.Саид Аҳрорий. Газетанинг биринчи даври //Озод Бухоро. 88-сон. 1924 йил 11 май.

МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида **Ф.Б.Ибрагимова** З Жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда мутафаккир жадидлар қарашларининг ўрни **М.Д.Пардаева** 5

Файзулло Хўжаев хотирасини абадийлаштириш
Й.Генжасев 13

Turkistonda “Jadidchilik” harakatining vujudga kelishi va mohiyati **J.Elov, F.Abdullayev** 18 Абдурауф Фитрат - шарқ мусиқа мактаби ташкилотчиси **F.Н.Баротов** 23

ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ТАРИХИЙ МУҲИТ

Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган буюк мутафаккирлар **О.Холова** 27

XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий вазият ва ёш бухороликлар фаолияти **Л.Э.Гадоева** 32

Жадидчилик ва ўзбек миллати маънавий, маърифий қадрияти ва мустақиллиги **Ф.Қурбонов** 38

Жадидчилик харакатининг вужудга келиши **М.Мусоева** 44

Жадидчилик харакатининг вужудга келиши ва тарихий муҳит **З.Ж.Бозорова** 47

ЖАДИД АДАБИЁТИ: МИЛЛИЙ УЙГОНИШ ВА ИСТИҚЛОЛ ТАФАККУРИ

Фитрат - "Чигатой гурунги" жамиятининг ташкилотчиси **Ш.Н.Ахмедова** 51

Абдурауф Фитрат ҳаётига бир назар **Ш.Х.Ниёзова** 55

Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари **Ж.Аслонов** 59

Бухоро матбуоти 100 ёшда: 1920 йил 9 сентябрь – “Бухоро ахбори” газетасининг 1-сони чоп этилган кун.

К.Ж.Раҳмонов 61

Бухоро жадидларининг матбуотчилик фаолияти

Д.М.Жамолова 66

Жадид маърифатпарварларининг кутубхоналар тараққиётидаги ўрни **А.Ҳакимов** 69

Жаҳолатга қарши маърифат: кеча ва бугун...

*H.Xудоярова*__